

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"**

**№ ВМ-343-53409-3.20**

**"1" июль 2003 й.**

**"ТАСДИҚЛАНДИ"**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий ва ўрта махсус**

**таълим вазирлиги**

---

**"8" июль 2003 й.**

**МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ  
фанидан  
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"  
таълим соҳасидаги 5340900 - "Бухгалтерия  
ҳисоби ва аудит" бакалавриат йўналиши учун**

**Тошкент - 2003**

**Тузувчилар:** проф. Сотиволдиев А. С.,  
проф. Хасанов Б. А.

**Такризчилар:** доц. Маматов З. Т.,  
доц. Бозоров Қ. Т.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатлари шароитида кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилиши, қатор қонунлар ва давлат дастурларининг қабул қилиниши, олий таълим соҳасида чуқур ислохотлар олиб борилишига замин яратади. Намунавий дастур Ўзбекистон Республикаси Олий таълимининг Давлат таълим стандартлари асосида яратилди.

"Мутахассисликка кириш" фани бўйича тузилган ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандартлари талаблари асосида тузилган бўлиб, жами 6 бўлимдан иборат.

Ушбу бўлимларда "Мутахассисликка кириш" фанининг мақсади, вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси, ДТСга мувофиқ билим ва кўникмалар, амалий ва семинар дарслари бўйича ишларнинг минимал миқдори, компьютер ва информацион технологияларни қўллаш, фан дастури, амалий ва семинар машғулотлари, курс иши мавзуларининг рўйхатлари, тавсия этилаётган мавзулар бўйича кўргазма-намоиш материаллари, ўқув фильмлар ва бошқа дидактик материаллар рўйхати, талабаларнинг рейтинг асосида баҳолаш бўйича ўзлаштиришнинг назорати ҳамда адабиётлар рўйхати ўз ифодасини топган.

В условиях рыночной экономики в Республике Узбекистана особое внимание уделяется подготовке кадров способных работать в рыночных условиях хозяйствования. Этому свидетельствует принятие ряд законов и государственных программ по реформированию системы образования.

Настоящая учебная программа составлена в соответствии с требованиями Государственных стандартов образования Республики Узбекистан в ней отражены цель и задачи предмета, связь с остальными предметами, знания и навыки соответствующие СГО, минимальное количество семинаров и практических занятий, применение компьютеров и информационной техники, семинарские занятия, список тем курсовых работ, наглядно-показательные материалы по рекомендуемым темам, список учебных фильмов и других дидактических материалов, контроль успеваемости студентов по рейтинговой системе и список используемой литературы.

The created program of the "Spezialition exit" subject - completely answers all put requirements. The program consists of 6 parts. They contain the following items:

The purpose and task of a subject, communication with other subjects, knowledge and skills appropriate to the SSE (Standards of State Education), minimum quantity of seminars and practical employment, application of computers and technological information, program of the subject, seminar lessons, the list of themes of "course works", evident - indicative materials on recommended themes, the list of educational films and other materials, control of progress of the students on a rating system and list of the literature for usage.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

## 1. СЎЗ БОШИ

Республикаимиз Президентининг "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида"ги Фармонида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий Дастурни ҳаётга татбиқ этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 август 343-сонли Қарорига мувофиқ олий таълимнинг давлат таълим стандартлари тасдиқланди.

Мазкур стандартлар бўйича ҳар бир ўқитиладиган фанлардан ўқув дастурлар тайёрлаш вазифаси кўйилган. "Мутахассислика кириш" фани бўйича тузилган ушбу дастур Давлат таълим стандартлари талаблари асосида тузилган.

Бакалаврлар "Мутахассисликка кириш" фани бўйича кўйидагиларни билиши зарур:

- ҳозирги замон ривожланган иқтисодиётида мутахассисликнинг ўрни ва аҳамияти;
- иқтисодий соҳа кадрларини тайёрлашда ижтимоий фанларнинг роли;
- бозор иқтисодиёти қонунларини мукамал ўрганиш;
- илмий-педагогик кадрлар ва уларнинг малакасини ошириш;
- ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқаси.

Мазкур фанни ўрганиш учун бакалавр иқтисодчи Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларида кўзда тутилган қуйидаги фанлар бўйича атрофлича билимларга эга бўлиши лозим: "Фанларнинг фалсафий масалалари", "Илмий ижодиёт методологияси", "Амалий чет тили", "Ахборот технологиялари", "Таълим менежменти ва иқтисодиёти", "Махсус фанларни ўқитиш методикаси", "Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат", "Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи", "Инвестициялар аудити ва уларни баҳолаш", "Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари ҳисоби" ва бошқалар.

### **Ўқув фани бўйича билим, кўникма ва маҳоратга қўйиладиган талаблар**

Мазкур йўналишда таълим оладиган тингловчиларга "Мутахассисликка кириш" фани бўйича чуқур билим олиш ва етук мутахассис бўлиб етишишлари учун қуйидаги талабларни билиш зарурият қилиб қўйилади: олий мактабда ўқишнинг хусусиятлари, назарий таълим билан амалий таълимнинг боғлиқлиги, ўқув дастури ва календар-тематик режалар, дастурий ўқитиш, илмий-тадқиқот ишлари, талабалар илмий таҳлил бюроси, малакавий ишлар танлови, миллий мафқурани эгаллаш ва илмий дунёқараш, миллий мафқуравий тарбиянинг методлари, воситалари ва ташкилий шакллари, талабанинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари, - турмуш гигиенаси, спорт-соғломлаштириш тадбирлари.

Ўқитиш жараёнида назарий билим билан амалий кўникмалар узвийлигига эришиш, тингловчиларнинг ўқишга бўлган қизиқишларини орттириб, улар учун имкон қадар мустақил билим олишга шароит яратиб бериш лозим.

### **Фанни ўқитиш семестрлари бўйича услубий кўрсатмалар**

"Мутахассисликка кириш" фани маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда ўргатилади. Талабаларнинг аудиторияда ва амалиётда олган билимлари рейтинг усулида ўқитувчилар ҳамда белгиланган ҳайъат аъзолари томонидан оғзаки ва ёзма усулларда баҳоланади.

### **Умумий ва ўқув ишлари бўйича ҳажми**

Олий таълимнинг давлат стандартларида "Мутахассисликка кириш" фани учун жами бўлиб 54 соат ажратилган. Шундан маъруза 18 соат, амалий машғулот 18 соат ва мустақил таълим 18 соат.

### **Фанни ўқитишдаги янги технологиялар**

Тингловчиларга фанни замонавий усулда ўргатиш, уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиш ҳамда олинган билимини мустақил равишда баҳолаш учун қуйидагилардан фойдаланилади:

- тингловчиларни олдиндан тарқатма материаллар билан таъминлашга эришиш;
- тингловчи ўз билимини ўзи баҳолайдиган шароитни яратиб бериш;
- тингловчиларнинг билимини таянч иборалари асосида баҳолашни жорий қилиш;
- тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлиб, ўқитувчилар раҳбарлигида мустақил билим олишга ўргатиш;
- иқтидорли тингловчилар билан уларни қизиқтирувчи мавзулар бўйича қўшимча дарсларни ташкил қилиш ва ҳоказо.

"Мутахассисликка кириш" фанини ўқитишда илғор педагогик технологиянинг таркибий қисмлари бўлмиш ўқув мақсади ва вазифалари каталогини ишлаб чиқиш, ўқув мақсадларига эришиш; режалаштирилган мақсадларни бажарилишини баҳолаш; таянч ибораларига асосланган назорат ишларидан фойдаланиш тавсия этилади.

## **2. ФАН ДАСТУРИ**

### **Маъруза машғулотларининг намунавий мавзулари**

#### **Ўзбекистон Республикасида Олий таълим**

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ва унинг олий таълим тизимида ижобий таъсири. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва маданий ривожланиши. Ўзбекистон Республикаси Президентининг демократик жамият қурилишидаги етакчилик роли. Ўзбекистон Республикасининг моддий-техник базасини яратиш ва олий мактаб олдидаги вазифалар.*

*Олий таълимнинг моҳияти, асосий хусусиятлари ва Ўзбекистонда унинг ривожланиш босқичлари. Ҳозирги шароитда халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш тизимида олий таълимнинг тутган ўрни ва роли.*

*Халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаш тизимида иқтисодий таълим. Президентимиз иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари, иқтисодиёт соҳалари учун кадрлар тайёрлаш борасидаги саъий-ҳаракатлари.*

#### **Тошкент молия институти**

*Ўзбекистон Республикасида иқтисодий таълимнинг ривожланиши ва Тошкент Молия институтининг ташкил этилиши. Институт ривожланишининг асосий босқичлари, талабалар таркибининг ўсиши, моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши. Илмий-педагогик кадрлар, уларнинг малакасини оширилиш.*

Институтдаги ўқув-методик, илмий-тадқиқот, таълим-тарбиявий ишларнинг асосий йўналишлари. Институтнинг таркибий тузилиши. Ректорат, факультетлар ва кафедралар, уларнинг фаолияти. Институт Илмий Кенгаши, факультетлар кенгаши ва улар фаолиятининг асосий йўналишлари. Лабораториялар ва институтнинг бошқа бўлинмалари. Касаба уюшмаси ва бошқа жамоат ташкилотларининг структуравий тузилиши, асосий вазифалари.

### **Олий мактабдаги ўқиш жараёнини ташкил этишнинг илмий асослари**

Олий мактаб таълимининг хусусиятлари ва умумий ўрта, ўрта махсус таълим муассасаларидаги ўқув жараёнидан фарқи. *Олий иқтисодий таълимнинг мазмуни.* Институтда кадрлар тайёрлаш бўйича ихтисосликлар. Ихтисосликлар бўйича институтнинг ўқув режалари ва уларни такомиллаштириш. Назарий ва амалий таълим узвийлиги.

Иқтисодиёт соҳаси кадрларни тайёрлашда ижтимоий фанларнинг роли. Иқтисодий фанлар тизими, иқтисодчиларни математик тайёрлаш. Умумилмий фанлар ва уларни ўқув режасида тутган ўрни.

*Ўқув дастурининг талабалар томонидан ўзлаштирилиши.* Календар-техник режалар ва ўқув машғулоти жадвали.

Талабаларнинг ўқув ва мустақил иш жараёнида техник воситалардан фойдаланиши. Дастурий ўқитиш. Ўқув жараёнини илмий ташкил этишда ЭҲМлардан фойдаланиш.

Биринчи курс талабалари билан олиб бориладиган ўқув, илмий ва тарбиявий ишларнинг асосий йўналишлари.

### **Олий мактабда ўқитишнинг асосий шакллари**

Ўқув машғулотиларнинг асосий турлари. Маъруза ва унинг ўқув жараёнидаги етакчи роли. Маърузани тинглаш ва ёзиб олиш. Маъруза ва дастлабки адабиёт манбалари. Маъруза ва дарслик, талабаларнинг мустақил ишлари. Семинар, амалий машғулоти, имтиҳон.

*Семинар, амалий ва лаборатория машғулоти, уларнинг моҳияти ва аҳамияти.* Семинар ва бошқа машғулоти ўтказиш шакллари. Талабаларнинг семинар ва амалий машғулотига тайёрланиш усуллари. Семинар дарсларида чиқишлар қилиш.

*Курс ишлари ва лойиҳалар, уларни ёзиш усули. Маслаҳатлар, уларнинг шакллари ва ўқиш жараёнидаги роли.* Талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиёти, иқтисодий билим юртлирида уни ташкил этиш хусусиятлари.

*Имтиҳонлар, синов имтиҳонлари. Рейтинг усули ва унинг аҳамияти.* Талабаларнинг билимига қўйилган асосий талаблар. Талабаларни якуний баҳолаш ва рейтинг назоратига тайёрланиш усуллари.

### **Мустақил иш ва талабалар меҳнатини илмий ташкил этиш**

*Мустақил иш - юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг асосий усули. Ҳозирги шароитда талабаларнинг мустақил ишининг ролини ошириш. Мустақил ишнинг моҳияти ва шакллари. Ўқув жараёни ва мустақил иш. Мустақил ишни режалаштириш ва меъёрлаштириш. Уй вазифаларининг узлуксизлигини, кетма-кетлиги ва мураккаблигини инобатга олиш – мустақил ишни илмий ташкил этишнинг асосий шартларидир.*

*Талабанинг вақт бюджети ва иш кун, улардан самарали фойдаланиш. Ақлий фаолиятнинг сермахсул режаси.*

Талабанинг мустақил иши устидан назоратни ташкил этиш, унинг аҳамияти ва шакллари. Жорий баҳолашнинг хусусиятлари. Талабалар аттестацияси, уни ташкил этиш ва ўтказиш.

Талабаларнинг ақлий фаолиятини ташкил этиш усуллари ва воситалари. Президентимиз И.А. Каримов асарларини, иқтисодий адабиётларни ўрганиш хусусиятлари. Китоблар билан ишлаш. Конспектлаш шакллари, семинарларга, амалий машғулотларга, синов ва имтиҳонларга тайёрланишда улардан фойдаланиш.

Талабалар ақлий меҳнати гигиенаси ва маданияти. Иш қобилиятини кўтариш омиллари. Билимларни ўзлаштиришда эътибор, хотира, фикрлаш ва иродавий фазилатларни ривожлантиришнинг аҳамияти.

Самарали дам олишни ташкил этиш тамойиллари. Талабанинг кун тартибида жисмоний машғулотларнинг ўрни.

### **Талабаларнинг илмий-тадқиқот ишини ташкил этиш**

Ёшлар ва фан. Илмий-тадқиқот ишлар (ИТИ)-юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг асосий омили.

*Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида илмий-тадқиқот ишларининг аҳамиятини оширувчи омиллар. Илмий-тадқиқот ишлар тўғрисида Низом.*

Институт ва факультетларда илмий-тадқиқот ишлар тизими ва тузилиши. Илмий тўғараклар. Талабалар илмий таҳлил бюроси. Кафедра, муаммоли лаборатория, хўжалик шартномавий ишларнинг илмий-тадқиқот ишларида талабалар иштироки. Халқаро, Республика ва институт миқёсидаги конференцияларда талабалар иштироки. Иқтисодий фанлар бўйича кўриклар, танловлар. Малакавий ишлар конкурси. Викториналар ва олимпиадалар.

Талабаларнинг илмий ишлари ва ўқув жараёни. Ўқув-тадқиқот ишларининг шакллари. Курс ишлари ва ишлаб чиқариш амалиёти ўташ жараёнида малакавий битирув ишларини ёзишда илмий-тадқиқот ишлари.

Биринчи курс талабалари орасида илмий-тадқиқот, ўқув-тадқиқот ишларининг асосий хусусиятлари ва ташкилий шакллари.

### **Талабаларни ғоявий тарбиялаш**

*Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида талабаларни ғоявий тарбиялашнинг асосий вазифалари.* Ўзбекистон талабалари - улуғ аждодларимиз ворислари, Ватанимиз ҳимоячилари ва буюк давлат қурувчилардир.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий портрети.

Ректорат, факультет ва жамоат ташкилотлари ҳамда ижтимоий кафедраларнинг талабаларни ғоявий тарбиялашдаги роли. Миллий мафқурани эгаллаш-илмий дунёқараш шаклланишининг асосидир. Ўзбекистон Республикаси талабаларининг байналмилал алоқалари, халқ ва Ватан олдида ўз фуқоралик масъулиятини тубдан сезиши. Меҳнат ва жисмоний тарбия.

Мафқуравий тарбия методлари, воситалари ва ташкилий шакллари.

Талабалик жамоаси моҳияти ва асосий белгилари. Жамоанинг шаклланиши ва талабанинг яқка қиёфаси. Гуруҳ мураббийи.

Талабанинг ҳуқуқ ва бурчлари. Турмуш ва дам олиш. *Ўқув жараёнида такомиллаштиришда талабанинг роли.* Талабанинг ҳуқуқий меъёри ва қоидалари. Институт ва факультетда ички тартиб қоидалар. Талабаларни тақдирлаш ва жазолаш турлари.

Институт мулки ва бутлиги. Рейтинг дафтарчаси ва талабалик гувоҳномаси. *Президентимизнинг талабалар турмуш шароитларини тубдан яхшилаш тўғрисидаги чора-тадбирлари.*

Турмуш гигиенаси. Талабалар уйидаги ички тартиб қоидалар. Овқатланиш. Актив ва пассив дам олиш. Тиббий хизмат кўрсатиш. Спорт-соғломлаштириш тадбирлари. Маданий сайл ва туризм. Бадиий хаваскорлик.

### **Касбий таълим муаммолари**

Иқтисодчи касбининг моҳияти. Бозор иқтисодиёти шароитида унинг ўрни. халқ хўжалигининг ривожланишдаги аҳамияти. Ўзбекистон Республикасида иқтисодчи фаолиятининг асосий йўналишлари. Теран билим, мафқуравий ишонч-профессional фаолият самарадорлигининг асосий шартидир.

*Ўзбекистон Республикаси иқтисодчисининг профессионал бурчи.* Иқтисодчининг ўз ишига софдил муносабатда бўлиш тамойиллари. Иқтисодчи



фаолиятининг масъулияти ва ишлаб чиқариш амалиёти услуби. Иқтисодчининг маънавий обрўси. Ишбилармонлик - иқтисодчининг асосий сифати.

*Жамоанинг ишлаб чиқариш фаоллигини оширишда иқтисодчининг роли.*

Иқтисосга қизиқишни шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Мазкур иқтисос бўйича ўқитиладиган фанлар тизими, уларнинг ҳажми, энг муҳим фаннинг мазмуни ва унинг тутган ўрни. Айрим фанларни ўрганиш хусусиятлари.

### **Ахборот асослари. Кутубхона иши ва библиография**

Ушбу мавзу Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган махсус дастур асосида ўқилади. Машғулотлар ҳар бир академик гуруҳ билан институтнинг фундаментал кутубхонаси ходимлари томонидан ўтказилади.

## **3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИ**

### **Ўзбекистон Республикасида Олий таълим**

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва унинг олий таълим тизимига ижобий таъсири\*.

Олий таълимнинг моҳияти, асосий хусусиятлари ва Ўзбекистонда унинг ривожланиш бошқичлари\*.

Халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаш тизимида иқтисодий таълим.

### **Тошкент Молия институти**

Тошкент Молия институтининг ташкил этилиши\*.

Институтдаги ўқув-методик, илмий-тадқиқот таълим-тарбиявий ишларнинг асосий йўналишлари.\* Ректорат, факультетлар ва кафедралар фаолияти.

Касаба уюшмаси ва бошқа жамоат ташкилотлари.

### **Олий мактабдаги ўқиш жараёнини ташкил этишнинг илмий асослари**

Олий мактаб таълимининг хусусиятлари ва умумий ўрта, ўрта махсус таълим муассасаларидаги ўқув жараёнидан фарқи.

Иқтисодий кадрларнинг шаклланишида ижтимоий фанларнинг роли\*.

Ўқув дастури ва ўқув жараёнида талабалар томонидан ўзлаштирилиши. Ўқув жараёнини илмий ташкил этишда ЭҲМларда фойдаланиш.

Биринчи курс талабалари билан олиб бориладиган ўқув, илмий ва тарбиявий ишларнинг асосий йўналишлари.

## **Олий мактабда ўқитишнинг асосий шакллари**

Ўқув машғулотларнинг асосий турлари\*. Маъруза ва унинг ўқув жараёнидаги етакчи роли.

Семинар амалий ва лаборатория машғулотлари, уларнинг моҳияти ва аҳамияти.

Курс ишлари ва лойихалар, маслаҳатлар. Уларнинг шакллари ва ўқиш жараёнидаги роли.

Имтиҳонлар, синов имтиҳонлари. Рейтинг усули ва унинг аҳамияти.

### **Мустақил иш ва талабалар меҳнатини илмий ташкил этиш**

Мустақил ишнинг моҳияти ва шакллари\*. Ўқув жараёни ва мустақил иш. Мустақил ишни режалаштириш ва меъёрлаштириш.

Талабанинг мустақил иши устидан назоратни ташкил этиш, унинг аҳамияти ва шакллари.

Талабаларнинг ақлий фаолиятини ташкил этишнинг усуллари ва воситалари. Билимларини ўзлаштиришда эътибор, хотира, фикрлаш ва иродавийликнинг аҳамияти. Талабанинг кун тартибида жисмоний машғулотлар.

### **Талабаларнинг илмий-тадқиқот ишини ташкил этиш**

Ёшлар ва илм-фан. Илмий-тадқиқот ишлар (ИТИ)-юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг асосий йўналиши\*.

Институт ва факультетларда илмий-тадқиқот ишлар тизими ва тузилиши. Талабаларнинг илмий ишлари ва ўқув жараёни. Курс ишлари ва ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш жараёнида, малакавий битирув ишларини ёзишда илмий-тадқиқот ишлари\*.

### **Талабаларни ғоявий тарбиялаш**

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида талабаларни ғоявий тарбиялашнинг асосий вазифалари\*.

Миллий мафкуравий тарбиянинг методлари, воситалари ва ташкилий шакллари\*.

Талабанинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари\*.

Президентимизни талабалар шароитларини тубдан яхшилаш тўғрисидаги чора-тадбирлари. Турмуш гигиенаси.

### **Касбий таълим муаммолари**

Иқтисодчи касбининг моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодчисининг профессионал бурчи\*. Ишбилармонлик-иқтисодчининг асосий сифати.

Ихтисосга қизиқишни шакллантиришнинг асосий йўналишлари\*.

#### **4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА- НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ**

Мутахассисликка кириш фанини ўрганувчи талабалар аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш учун мустақил таълим тизимига асосланиб, кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида, ўқув режасига мувофиқ мустақил таълим олади.

Мустақил таълим мавзулари ва топшириқлари қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва унинг олий таълим тизимига ижобий таъсири. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва маданий ижтимоий ривожланиши. Ўзбекистон Республикаси Президентининг демократик жамият қуришдаги етакчи роли. Ўзбекистон Республикасининг моддий-техника базасини яратиш ва олий мактабнинг функциялари. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий таълимнинг ривожланиши ва Тошкент Молия институтининг ташкил этилиши. Олий иқтисодий таълимнинг мазмуни. Олий мактабда ўқишнинг хусусиятлари ва ўрта мактабдаги ўқув жараёнидан фарқи.

Мутахассисликка кириш фанини ўрганишда талабалар амалий ёрдам тариқасида қўлланиладиган турли хил шакл, чизмалар ва слайдлар билан таъминланади.

Талабалар мутахассисликка кириш фанини ўрганишда ахборот воситаларидан яъни, интернет тизимидан, жумладан қуйидаги сайт ва электрон почталардан ҳам кенг фойдаланадилар:

1. <http://www.iaa.org.uk> (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom);
2. <http://www.iasc.org.uk> (International Accounting Standards Committee);
3. <http://www.aicpa.org/index.htm> (American Institute of Certified Public Accountants).

Шунингдек, Республикадаги чоп этилаётган газета ва журналлардан мутахассисликка тегишли материаллар олинади. Фан бўйича ўзгаришлар, янгиликлар ва меъёрий ҳужжатлар билан ўқитувчилар таништириб боради.

Талабаларга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги, Аудиторлар палатаси, Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент Молия институтида тайёрланган ўқув фильмлар, дидактик материаллар ва мультимедик иловалардан фойдаланиш тавсия этилади.

## 5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Талабаларни фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида жорий баҳолаш, оралиқ баҳолаш ва якуний баҳолаш орқали олиб борилади.

ЖБ ва ОБ турлар ва белгиланган баллар миқдори (ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг 70%) ўқитилаётган фанга масъул бўлган кафедранинг қарори билан мавзунинг мураккаблиги ва зарурийлигига қараб қуйидаги ишларга тақсимланади:

- бакалаврнинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий ва мустақил таълим машғулотларига тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича манбаларни конспектлаштириши;
- долзарб мавзу бўйича реферат ёзиши;
- фан бўйича кўргазмали қуроолларни тайёрлаши.

ЯБ турига ажратилган баллар миқдори, ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 30% миқдорида белгиланади. Барча фанлар бўйича ЯБ босқичи ёзма иш усулида ўтказилади.

Таянч ибораларга асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимининг якуний баҳолаш босқичида "Ёзма иш" усулини татбиқ этиш бўйича Намунавий низом" билан белгиланади.

Семестр (ўқув йили) давомида ўқитилган фан бўйича 55 фоизи ва ундан юқори фоизини тўплаган бакалаврлар қониқарли ўқиётган деб ҳисобланади. Фан бўйича максималл баллнинг 55% идан кам балл тўплаган бакалаврлар қониқарсиз ўқиётган (академик қарздор) деб ҳисобланади.

## 6. АДАБИЁТ

### Асосий адабиётлар

1. Каримов. И. А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг.-Т.: Ўзбекистон, 1993.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов. И. А. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломқда биринчи чақириқ ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги мазруза. 1999 йил 14 апрел. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов. И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1993.
5. Каримов. И. А. Истиқлол ва маънавият. -Т.: Ўзбекистон, 1994.

6. Каримов. И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
7. Каримов. И. А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
8. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни 1997 йил.
9. "Маънавият ва маърифат" ижтимоий маркази фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги Президент Фармони.
10. Бобохонов А. Ўзбекистонда педагогик фикр тараққиёти тарихидан. - Т.: Ўқитувчи, 2001.
11. Собиров М. Фурқатнинг мактаб, маориф ва тарбия ҳақидаги фикрлари. - Т.: Ўрта ва Олий мактаб, 2001.
12. Донишмандлар тарбия хусусида. - Т.: Ўқитувчи, 2001.
13. Жан-Жак Руссо. Педагогические сочинения. Том I. - М.: Педагогика, 1996.
14. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар. - Т.: Фан, 1996.
15. Ўзбек педагогикаси тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1997.

#### **Қўшимча адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари тўпламлари, 1997.
2. Ибрагимов А., Каримов А. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. План счетов Бухгалтерского учета и рекомендация по его применению. Под ред. Гадаева Э.Ф., Хасанова Н.Х. Ташкент - 1996.
4. Фрэнк Вуд. Бухгалтерский учет для предпринимателей. - М.: О.О.О Аскери, 1996.
5. Янги счётлар режаси. ПБ ва АА-2002.
6. Ғуломова Ф. Самоучитель по бухгалтерскому учету. - Т.: Мир экономики и права, 2000.
7. Панков Д. Бухгалтерский учет и анализ в зарубежных странах. - Мн: Экоперспектива, 1998.
8. Николаева О. Международные стандарты финансовой отчетности. - М.: УРСС, 2001.
9. Чая В., Чая Г. Международные стандарты финансовой отчетности, ГУП ИПК "Ульяновский Дом печати", 2000.
10. Fremgen F.M. Accounting for managerial Analysis: Third Edition. Richard D. Irwing Inc., Homewood, Illions, 1996.

11. Kenneth M. Morris & Allan M. Siegel. Guide to understanding money & investing. 2000 by lightbulb, press, Inc.
12. Securities Regulation in The Unite States. NASD. Washington-2000.